



XIX АСР ОХИРИ XX АСР БОШЛАРИДА ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА ТАЪЛИМ СОҲАСИ ТАРИХИ

Рўзибойев Рахимберган Ихтиёрович

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти
Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш методикаси
мутахассислиги магистранти
<https://doi.org/10.5281/zenodo.10820081>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 10-March 2024 yil
Ma'qullandi: 12- March 2024 yil
Nashr qilindi: 15- March 2024 yil

KEY WORDS

Қорақалпоғистон, мактаб,
мадраса, шаҳар, қишлоқ
маконлари, рус-тузем
мактаблари, янги мактаблар

ABSTRACT

Мақолада XIX аср охир XX аср бошларидаги Қорақалпоғистон худудидаги таълим муассасалари тарихи ўрганилган. Бу даврдаги шаҳарлар ва қишлоқ маконларида кўплаб мактаб-мадрасалар бўлган. XIX асрнинг охирги чорагида Петро-Александровский шаҳари ва Нукус кўрғонларида рус-тузем мактаблари фаолият кўрсатган. XX аср бошида янги усулдаги хусусий мактаблар ташкил этилади

XIX аср охир XX аср бошларида қороқалпоқ халқи орасида илмий ва маърифатпарвар инсонлар кўплаб бўлган. Қорақалпоғистон худудида бошланғич таълимни қишлоқ ва овулларидаги мактабларда олишган, олий таълимни Қўнғирот, Хўжайли, Чимбой, Хива, Бухоро каби йирик шаҳарларга бориб ўқишган. Ҳар бир овулнинг ўз мактаби бўлиб, болалар етти ёшдан мактабларга борган ва у жойда таълим олишган.

XVIII-XIX асрларда Қўнғирот, Хўжайли, Чимбой, Шўрахон, Қипчоқ, Манғит, Шоббоз, Шорахон, Рахимбердибий бозор каби шаҳар ва қишлоқ маконларида мактаб-мадрасалар бўлган. Ўша даврда Қўнғирот шаҳарида маданий ҳаёт ва таълим бир мунча ривож топган, шаҳарда кўплаб мактаб, масжид-мадрасалар фаолият кўрсатишган. XIX асрда Қўнғирот шаҳарида саккизта масжид ёшларнинг илм олиш масканларига айланган. Масалан, Хонмасжид Хивада Қўнғиротликлар сулоласининг хони бўлган Мадраҳимхон (1807-1826 йй.) даврида асос солинган ва ўша хоннинг ҳурматида “Хон масжид” деб номланган. Иккинчи масжид Сметулла эшон масжиди. Ушбу масжид Балабий давридан 1918-йилга қадар фаолият кўрсатган. Учинчи масжид – Сари эшон масжиди, тўртинчиси – Султон эшон масжиди, бешинчиси – Рисим эшон масжиди, олтинчиси – Байжон охун масжиди, еттинчиси – Камол эшон масжиди ва саккизинчиси – Яқуб эшон масжиди бўлган. Шаҳар атрофида масжидларнинг вақф ерлари бўлишган [2,Б.13].

XIX асрда Хўжайли шаҳарида ҳам бешта масжид ва битта мадраса фаолият кўрсатган [4, Б.23]. Қипчоқ шаҳарида 120 ханодон, бир масжид ҳам бир мактаб, Шаббоз

шаҳарида 200 га яқин ханодон, 2 масжид ва 2 мактаб бўлган [3, Б.236-238].

XIX асрдаги Қароқалпоғистоннинг ҳар бир қишлоқ ва овулларида битта масжид ва мактаб бўлган [1,Б.289]. Ўша даврда масжид қавм маъмурий бирлик тизими мавжуд бўлган. Шариятга мувофиқ масжид қавмнинг имоми ўша овулнинг болаларини масжид ёнида мактаб очиб ўқитиши зарур ҳисобланган. Қорақалпоқ халқи ичидан чиққан Кунхўжа, Ажиниёз, Бердақ каби мутаффакир инсонларнинг кўпчилиги маҳаллий мактаб ва мадрасаларда илм олишган. XIX асрда қароқалпоқлар мактаб ва мадрасаларда настаълиқ хати асосий ёзув тури бўлган. Мактабда ўқувчилар араб алфавини тўла ўрганиб бўлгандан сўнг «Ҳафтияк»ни ўқишган. «Ҳафтияк» Қуръони-карим сураларининг еттидан бири қисмидан тузилган асар ҳисобланади [1,Б.290-291]. «Ҳафтияк»ни 1-2 йил ўқиб ўзлаштиришгандан сўнг Қуръонни ўрганишга киришган. «Қуръон»дан сўнг «Чор китоб» асари ўқитилган. «Чор китоб»дан сўнгра «Сўфи Оллаяр»ни ўрганишган. Бундан сўнг Навоий, Физулий, Бедил ва бошқада Шарқ мутаффакирларнинг асарларини ўрганишган.

Мактабларда араб алфавитида ўқиш, ёзув ва арифметика ўргатиш билан бир қаторда диний таълимлардан ҳам таълим берилган.

XIX аср охирида (1898-йил) Амударё бўлимида 843 та мактаб бўлган ва уларда 6567 болалар таълим олган. Хива хонлигига қарашли Амударёнинг чап соҳилида мактаблар сони бундан кам бўлишмаган.

Мактабни тугатган ёшлар имкониятларига қараб, кейинги босқич – мадрасаларда илм олишни давом эттиришган. XIX асрда Кегейли ва Чимбойда 8 мадраса фаолият кўрсатган. Улар: Қарақум эшон, Матмурод охун, Қалила охун, Емберген охун, Айимбет эшон, Шернияз охун, Оёқ-авлиё, Эшон қалъа мадрасаларидир [1,Б.292]. Улардан Қарақум эшон ва Эшон қалъа мадрасалари Марказий Осиёда маълум бўлган. Мадрасаларда Ислом таълимоти билан бир қаторда ҳисоб-китоб, бадий, тарихий илмлар, одоб-ахлоқ ва ислом ҳуқуқшунослигига боғлиқ илмлар ҳам ўргатилган [7, Б.33]. Мадраса китобхонаси бой бўлган. Унда «Қуръон», Хожа Ахмад Яссавий, Сўфи Оллаяр ҳикматлари, Қисса Анбия (Пайғамбарлар қиссаси), шажаралар, Қисса Рабғузий, Қисса Зулқарнай, Қисса Абу Али Ибн Сино, Шохнома, Юсуф-Зулайҳо, Ҳоким ота китоблари, Навоийнинг «Хамса»си, Хоразмнома, Жомий, Қалийла ва Димна, Қобуснома, Бедил, Хўжа Ҳофиз вабошқада китоблар, кўплаб қўл ёзмалар сақланилган. Мадрасада Кунхўжа, Бердақ, Ўташ, Қаландар қиссахон каби халқимизнинг машҳур мутаффакирлари таълим олишган.

Қароқалпоғистонда тасаввуф таълимотини тарқатишда Қарақум эшон ва Тас мадрасалардаги мударрсиларнинг хизматлари катта бўлган.

Ризақули Мирзанинг (1874-й.) маълумотларига қараганда, Чимбой шаҳарида бешта масжид, иккита мадраса бўлган [Риза-кули Мирза. 92-102]. Мадрасаларнинг ҳар бирида 25 тадан илми толиб таълим олишган. Мадрасаларда форси, турк, араб ва чигатой тиллари ўқитилган. Ушбу тилларда талабалар ёзишни ва ўқишни тўла ўзлаштиришган. «Ҳандаса» дарсларида ҳисоб-китоб ишлари ўргатилган. Қағоз Бухородан олиб келинган, қалам қамишдан ишланган. Ризақули Мирзанинг ёшишича, мадрасаларда Қозон, Бухоро, Чимбой шаҳарларида ёзилган Қуръон, Навоий, Ҳофиз Дониш асарлари бўлган.

Мақтум охун масжид - мадрасаси Чимбойдаги йирик мадрасалардан бири бўлган [7,-Б.17]. Мадраса Аймухаммад эшон томонидан 1850 йили қурдирилган. Мадраса биноси ўн етти хужрали бўлган. Унда бош масжид, дарсхона, таълим олувчиларнинг хужралари, ёзги ва қишги айвонларидан ибарат бўлган. Мадрасанинг ҳажми 20 х 27 метр. Ушбу мадрасада Бухорода таълим олиб келган Хўжаниёз эшон, Хивада таълим олган Аҳмад охунлар дарс беришган. Мадрасада Абдиқодир шоир, Аббас шоир каби сўз санъати намоёндалари, Қосим Авезов каби давлат арбоблари таълим олишган. Бу мадраса «Айимбет эшон мадрасаси» деб ҳам номланади.

XIX асрда Хўжайли шаҳарида Пиримбет эшон мадрасаси, Қўнғирот шаҳарида Елмурат охун мадрасаси, Ҳстиртте Бектурсин мадрасаси, Шўраҳондаги Тошмадраса, Шўртон қўлдаги Қўшмухаммад мадрасаси, Манғит шаҳарида битта мадраса ҳам бошқада мадрасалар фаолияти кўрсатишган [1,-Б.292].

XIX аср охирида Амударё бўлимида 58 мадраса бўлиб, уларда 1000 дан ортиқ ёшлар таълим олишган [4,-Б.9,23]. Амударёнинг чап соҳилидаги мадрасалар асосан шаҳарларда, ўнг соҳилда бўлса йирик қишлоқ маконларида ҳам мадрасалар бўлган. Мадрасаларда таълим олувчиларнинг ўртача сони 20-25 бўлган, катта мадрасаларда 50 га яқин илми толиблар таълим олишган.

Чор-Россия томонидан Хива хонлиги босиб олингандан сўнгги даврда Петро-Александровск шаҳрида рус -тузем мактаби очилади. Бундан сўнг 1887 -йилнинг 1-августидан Нукус қалъа- қўрғонида ҳам рус тузем мактаби очилади. Мактабни очиш учун Чимбой участкасининг пристави ўз хизмат идораси бўлган уйни бўшатиб беришга мажбур бўлади. Унинг биринчи ташкилотчиси ва биринчи ўқитувчиси 1885 – йили Туркистон ўқитувчилар семинариясининг битирувчиси Исмоил Қосибаев бўлди. Она тилидан «мусулмон» Қадир Мухаммад Қалмухаммадов дарс беради [5].

Афсуски, 1888-йилнинг 1 – июлида Туркистон ўлкасининг генерал губернатори фон Кауфманнинг буйриғи билан Нукус мактаби ёпилади [5].

Бундан сўнг маҳаллий бойларнинг уйларида хусусий мактаблар фаолияти йўлга қўйила бошлади. Улардан бири Нукус овулида Ниязбийнинг мактаби бўлди. Мактабда дастлабки ўқитувчи Қазон шаҳридан чақиртирилган татар мўллеси Саин бўлди. Унинг биринчи ўқувчиси Ниязбийнинг ўғли Иният Ниязов бўлди [8].

Нукус рус - тузем мактаби ёпилгандан 12 йил сўнг Шўраҳон билан Чимбой шаҳарларида маҳаллий бойлар маблағлари ҳисобидан 1900 – йили иккита мактаб очилади. Ҳомийлар ушбу мактабни лой-пақсадан қуриб беришади. Мактаб Европа архитектураси типидан қурилади. Саҳоватпеша маҳаллий савдогарлар ҳар йили ушбу мактаблар учун минглаб сум маблағлар ажратиб туришган.

Демак, XIX аср охири XX аср бошларида Қароқалпоғистон худудидаги шаҳар ва қишлоқ маконларидаги таълим муассаларида анъанавий таълим фаолияти давом этган эди. Таълим асосан икки босқичда: мактаб ва мадрасаларда амалга оширилган. Масжид-мактабларда ўқиш-ёзиш, арифметика, диний тушунчалардан илм олишган, мадрасаларда буюк мутафаккирларнинг асарлари, диний уломаларнинг таълимотлари, ҳисоб-китоб илмлари ўргатилган. Уларда Хива ва Бухоро шаҳарларида таълим олишган уломалар дарс беришган.

Шунингдек, XIX аср охиридан Петро- Александровск шаҳрида ва Нукус қалъа-

қўрғонида рус тузем мактаблари ҳам очилган. XX аср бошидан Қорақалпоғистоннинг Шўраҳон, Чимбой, Хўжайли ва Қўнғирот шаҳарларида маҳаллий бойлар томонидан янги мактаблар ҳам ташкил этилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Әлеўов Ө. Қарақалпақстанда тәлим-тәрбиялиқ ойлардың қәлиплесиўи хәм раўажланиўи. – Нөкис. Билим.1993.
2. Есбергенов Х. Қонырат. Тарийхий хәм мәдений естеликлер. – Нөкис. 1993.
3. Кун А.Л. Культура оазиса низовьев Амударьи от Кунграда до Чимбая // Туркестанский сборник. Том 123.
4. Карлыбаев М. Мадраса в Каракалпакии XIX начало XX веков. – Нукус. Билим. 2002.
5. Қоцанов Б. А. Истории о столице. Взаимосвязь культуры: плюсы и минусы // Вести Каракалпақстана, 2002 год. 6- август.
6. Риза-кули Мирза Амударё областининг қисқаша баянламаси // Амударё журнал, 1992, №2, - Б. 92-102
7. Хожанияз Ғ., Юсупов О. Қарақалпақстандағы муқаддес орынлар. – Нөкис. 1994.
8. Юсупов О. Нөкис қаласы қашан пайда болған? // Еркин Қарақалпақстан, 1992 жыл 30 – май.

INNOVATIVE
ACADEMY